

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 186 (9.989)

2003 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРЬ

МДХНИНГ ЯЛТА САММИТИ

ЯЛТА, 19 сентябрь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Шу кун эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди.

Мулоқот асосан Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболига бағишланди. Шундан сўнг Президент Ислам Каримов МДХ саммитининг асосий воқеалари бўлиб ўтадиган Ливадия саройига йўл олди.

Ливадия саройида аввал МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда МДХ доирасида интеграция жараёнини чуқурлаштиришга, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқаларни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисини Украина Президенти Леонид Кучма очди.

Саммитда қўрилган масалалар кўлами кенг. Бироқ муҳокама этилган масалаларнинг асосий қисми давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланди. Президентлар 2010 йилгача иқтисодий соҳасидаги ўта муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш режасини тасдиқлади. Мазкур ҳужжат Хамдўстлик ҳудудида эркин савдо зонасини яратиш ҳамда ёқилғи-энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштиришни кўзда тутади.

Саммитда МДХ органлари фаолияти, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган масалалар муҳокама қилинди.

Бу йил МДХ тузилганига ўн икки йил бўлди. Саммит иштирокчилари ана шу ўтган даврда тузилма доирасида қилинган ишлар ва олинган тўрған вазифалар, ҳал қилинмаган муаммолар хусусида фикрлашди.

МДХ ҳақида гап кетганда, унинг Хамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар тарихида тўтган ўрни

ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Зеро, орадан ўн икки йил ўтиб, МДХ бизга нима берди, деган савол туғилиши табиий. Президент Ислам Каримов саммитга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида ушбу саволга қуйидагича жавоб берди.

— МДХ фаолиятининг ижобий томонлари кўп. У собиқ империя парчалангандан кейин эски тузум сарқитларини тугатишга ҳисса қўлди.

Парчаланган империя ўрнида мустақил давлатлар юзага келди. Лекин, улар ўртасида турли соҳалар бўйича, жумладан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар узилиб қолмади. Халқларимиз ўртасида ўзаро борди-келди тўхтаб қолгани йўқ. Буларнинг барчаси МДХнинг ижобий томонларидир.

Таассуфки, Хамдўстлик саммитларида сиёсий ва ҳарбий масалаларга кўпроқ эътибор бериб келинди. Шу мақсадда талайгина ҳужжатлар имзоланди. Биз эса ташкилотнинг иқтисодий фаолиятдан кўпроқ манфаатдоримиз.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг бу гапга мажлиси ҳисоб бўйича ўттиз олтинчиси. Ана шу учрашувлар давомида юзлаб ҳужжат имзоланган. Уларнинг барчаси ҳам ҳаётга жорий қилинган ва самара беришга қийин, албатта. Бироқ, шу маълумки, МДХга аъзо мамлакатлар турли соҳаларда ўзаро алоқаларни, турли даражада бўлса-да, давом эттириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилимоқда.

Шу маънода МДХнинг Ялтада бўлиб ўтган навбатдаги саммити иқтисодий ҳамкорлик масалаларига кенг эътибор берилганлиги билан аҳамиятлидир.



Пойтахтимизда самарали фаолият кўрсатаётган «Анахкорхонасининг малакали, гайрат-шижоатл ишчи-хизматчилари ишлаб чиқарётган салкин ичимликлар кўп йиллардан буён ҳамшаҳарларимизни хушнуд қилмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг ёш ишчиси Шерзод Жўраев ўз ҳамкасби билан меҳнат жараёнида.

Сергей Любич олган сурат.



Тошкент — Осиё китъасининг теннис маркази

Дарҳақиқат, бошланган ҳафта давомида шахримиз 19 та Осиё мамлакатининг теннис марказига айланади. Зеро, илгари хабар берганимиздек, 28 сентябрга қадар Тошкентда яна бир катта спорт байрами — Осиё чемпионати турини бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан КЕЧА Тошкент теннис марказида асосий ўйинларда қатнашувчи эркаклар ва аёллар жуфтликларини белгилаш мақсадида қуръа ташлаш маросими ҳамда матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирни олиб борган Тошкент шахар ҳокими ўринбосари Рустам Қурбонов пойтахтимизда иккинчи мартаба ўтказиладиган Осиё чемпионатининг нуфузи ошиб бораётгани, ушбу турнирда бу йили Шри Ланка, Қувайт, Вьетнам, Мўғулистон, Гонконг мамлакатларининг спорт усталари ҳам қатнашиш истагини билдирганини таъкидлаб, мусобақа қатнашчиларига омад тилади.

Маросимда сўзга чиққан Осиё теннис федерациясининг ижрочи директори Шунругам Утрапати турнирга тайёргарлик жараёни хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Ўзбекистон теннис федерацияси ва Тошкент шахар ҳокимлигида Осиё чемпионатини юқори даражада ўтказиш борасида амалга оширилган барча саъй-ҳаракатлар учун ташаккур билдирди, шунингдек Осиё чемпионати Тошкентда кетма-кет уч йил давомида, яъни келгуси йилда ҳам бўлиб ўтишини, аммо бевосита ҳамкорлик узвий бўлиб қолишини ҳам таъкидлади.

Сўнг қуръа ташлаш тадбири ўтказилди. Айтиб ўтиш жоиз, ОТФ қўраларига мувофиқ асосий ўйинларда мамлакатимиздан Осиё чемпионатининг мезбони сифатида иккитадан эмас, балки 2-3 барабар кўп теннисчилар қатнашишига имконият бор. Шу боисдан эркаклар ўртасида кучлилардан Вадим Куценко, Сарвар Икромов, «wild card» бўйича Мурод Иноятов ва Денис Исаев қатнаша, аёллар турнирида Оқул Омонмуродова бевосита асосий турининг нимчорак финалидан ўйинни бошлайди ва ҳамюртларимиз Элеонора Ситжемилова ёки Влада Якшибирована билан уларнинг дастлабки баҳси натижасига қараб куч синашади.

Ўтган йилги Осиё чемпионати финалчиси Ивана Исрилова индонезиялик Анхита Бхамбри билан, «wild card» бўйича имконият олган яна икки теннисчимиз Наргиза Раҳмонова ёки Елена Арутюнова ўзаро беллашув натижаларига кўра биринчи босқичдан иккинчи доирага синовсиз ўтган тайпейлик Чен-Ви Чан билан қорғта тушади.

Умуман олганда саралаш босқичларини ҳам инобатга олган ҳолда, бу йилги Осиё чемпионатида мамлакатимиздан 32 нафар спортчи қатнашади.

ЭРТАГА соат 16.00 да Тошкент теннис марказида «Осиё чемпионати — 2003» турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

XVI сағоси

Барча маъблардан олдин сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг (UNFPA) «Усмирларнинг репродуктив саломатлигини сиёсий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни ошириш» деб номланувчи қўшма лойиҳаси иш бошлади. У Самарқанд ва Хоразм вилоятларида амалга оширилмоқда.

• Нукусда Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

• Халқро тинчлик куни муносабати билан БМТнинг республикамиздаги ваколатхонасида «Тинчлик қабатлари» номли тадбир бўлиб ўтди.

• Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция Афғонистондан ўзининг навбатдаги ўинини сафаридан қайтди. Шу муносабат билан республика «Маънавият ва маърифат» марказида ёзувчилар, олимлар ва кенг жамоатчилик иштирокида экспедиция аъзолари билан учрашув ташкил этилди.

• «Конликўлгуруч» акциядорлик жамияти қошида «Галлабанк»нинг Қорақалпоғистон филиали томонидан олинган кредит ҳисобига қунбақор ва қунжот ёғи ишлаб чиқарувчи цех ишга тушди. Ҳозирда цехда қунига беш тонна хомашё қайта ишланиб, 1,5 тоннадан зиёд ёғ ишлаб чиқарилмоқда.

• Наманган вилояти, Учкўрғон туманидаги Қўғай қишлоғида «Мухторжон» хусусий даволаш маскани фаолият бошлади.

Жаҳонда

• БМТ Хавфсизлик кенгаши Либерияга 15 минг кишилик тинчликпарвар кучларни юбориш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади.

• Латвияда ушбу мамлакатнинг Европа Иттифоқига кириши масаласи юзасидан референдум бўлиб ўтди.

• АКШда ўтган ҳафта охирида ўз берган «Изабел» довули мамлакатнинг шарқий қисмидаги тинч ҳаётни издан чиқарди. Айниқса Виржиния ва Шимолий Каролина штатларида оғир аҳвол юзага келди. Охириги маълумотларга кўра, 23 киши ҳаётдан қўймоди, кўрилган зарар эса 1 миллиард доллардан ошаб кетди. Бу АКШ тарихидаги ўта энг кучли тўфонлардан бири бўлди.

• ВВС маълумотларига кўра, Буюк Британия компаниялари яқинда 200 мингга яқин ишчи ўринларини қисқартирди. Бу жараён асосан Хиндистонда фаолият юратган корхоналарга тааллуқлидир.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқарди

- **АКСЕЛС** халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинган «Мақтабараро ўзаро алмасув» танловида голибликни қўлга киритган Жаҳон иқтисодийети ва дипломатия университетини қошидаги академик лицейнинг икки нафар ўқитувчиси ва 9 нафар ўқувчиси **ЭРТАГА** АКШнинг Монтана штатида 3 ҳафтalik сафарга жўнаб кетадилар.
- **ЭРТАГА** «Ўзэкспонамарказ»нинг биринчи павильонида «Ўзтел-2003» номли теле-

коммуникация ва компьютер технологияларининг 4-халқаро кўргазмаси иш бошлайди.

• **ЯПОНИЯ** ҳукуматининг инсонпарварлик ёрдами туфайли грант шартномаси асосида ажратилган маблағ эвазига «Ўзбекистон» наشريёти хориждан келтирилган замонавий технологиялар билан бойийдиган бўлди.

• **ДАВЛАТ** Фан ва технологиялар марказида олий ўқув юртлирида тахсил олаётган ва Президент стипендиясига сазовор бўлган талабаларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шахар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Иқтисодий

**ХАМКОРЛИҚДАГИ
ФАОЛИЯТ**

Китобни офтобга қиёс-лашда катта маъно бор. Ундаги тафаккурни чархловчи билим кайроғи, кўнгилларни ёритувчи ақл чирғоғини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Шунингдек, унинг яралиш жараёни ҳам ўзига яраша кийинчилик ва машаққатлардан иборатки, бунга кўш билан илғаб олиш анча мушкул иш. Қадимги замонларда китоблар дарахт пўстлоқларидан, ҳайвонларнинг қуртилган териларидан тайёрланган бўлиб, ушбу кўлёмалар бугунги китоблар кўринишидан бирмунча фарқ қилган. Мураккаб технологиялар даврида эса китобларнинг қадимий кўриниши, замонга мос ҳолда, кўп йилга чидамли, ихчам тарзда яратилмоқда. Бу борада босмаҳона ходимларининг зиммасида катта масъулият ётиши сир эмас.

Бугунги кунда Бектемир туманидаги «Арнопринт» масъулият чекланган жамияти айнан ихчам, қулай тўпламларни босмадан чиқариб, шартнома асосида иш олиб бормоқда. Фаолият бошлаганига беш йил бўлган ушбу корхона асосан шахримиздаги «Давлат белгиси» коғоз фабрикаси, «Ўзметбуот таъминот» акционерлик жамияти, шунингдек «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Меҳнат» наشريётлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Кичик ҳажмли 100 тадан 1000 мингтача бўлган тиражда тўплам китобчаларни тайёрлаётган корхона ходимлари шунингдек, шартнома асосида илмий даража ёқовчиларнинг асарларини ҳам тўплам ҳолида босмадан чиқармоқда.

**МИЖОЗЛАР
ТАЛАБИГА МОС**

Мавсумлар ўзгариши билан кишилар устки кийимлари билан бирга оёқ кийимларини ўзгартиришга ҳам эҳтиёж сезадилар. Ёзда бир оз энгилроқ бўлган оёқ кийимлар қишки мавсумда таг ва устки қисми қалин, иссиқни яхши сақловчи этик ва пойабзаллар билан ўрин алмашинади. Шаҳримиздаги «Абу-Бакр» цехи ходимлари ҳам айти пайта сифатли оёқ кийимлар тайёрлаб халқимизга хизмат қилиб келмоқда.

1994 йилда «Илғор» жамоа корхонасидан ажралиб чиққан ушбу цех яққа бюртма асосида эркаклар, аёллар, болалар пойабзалларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш билан шуғулланади. Ҳозирда корхонага махсулот хомашёсининг асосий қисми Кўкондаги «Кўнчи» тери заводидан, «Яхши ният» корхоналаридан келтирилади.

— Корхонамизда ишчилар пойабзалини тайёрлаш яхши йўлга қўйилган, — дейди цех раҳбари Жалолиддин Мухторхонов. — Утган йили 18 миллион сўм микдорда махсулот ишлаб чиқарган бўлсак, бу йил бюртмачиларимиз сонини кўпайтириб, махсулот тайёрлаш ҳажминини оширишга интиляемиз. Тайёр ишчи пойабзалларни эса шахримиздаги «Харбий» савдо дўконидан сотиб олиш мумкин. Шунингдек, цехимизда ҳамшаҳарларимиз яққа бюртма асосида тоза чармдан сифатли, чидамли оёқ кийимлар бюртмасини беришади. Цехимиз ходимлари ҳам қўлларидан келганча ҳаракат қилишиб, мижозлар талабларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бормоқдалар. Келгуси мақсадимиз ишлаб чиқараётган махсулотимиз сифатини янада яхшилаш ҳамда мижозларимиз сонини кўпайтиришдир.

Орзуғул РУСТАМОВА.

Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган давлатлардан биридир. Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги бугунги муносабатларни фарқлаб турувчи ишонч ва хайрихоҳлик давлатимизнинг Вашингтондаги элчихонасида байрам тантаналарига бағишлаб ўтказилган қабул маросими давомида ҳам ҳис этилди.

Тадбирда ҳозир бўлган меҳмонлар орасида АҚШ маъмурияти, Миллий хавфсизлик кенгаши, Давлат департаменти, Пентагон, Конгресс, Вашингтонда аккредитациядан ўтган дипломат корпус, тахлилий ва ижтимоий-сиёсий доиралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари бор эди.

Қабул маросими давомида меҳмонлар бир неча маротаба Ўзбекистон ва шахсан Президент Ислам Каримовнинг АҚШ бошчилигида терроризмга қарши олиб борилаётган глобал курашни ҳамда Афғонистонда ва Ироқда амалга оширилаётган операцияларни қўллаб-қувватлаганини миннатдорлик билан тилга олишиб, Ўзбекистон мавқеи ўзгарувчанликка эмас, балки принципиал фикр-мулоҳазаларга асосланганлигини таъкидлашди.

АҚШ Миллий хавфсизлик кенгаши Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари департаменти директори М.Брайз «АҚШ маъмурияти сиёсатида Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон билан муносабатлар мумим ўрин тутди», — деб таъкидлади.

Конгрессмен К.Уэлдоннинг фикрича, «АҚШ Конгресси — Ўзбекистон Олий Мажлиси ишчи гуруҳи»нинг ташкил этилиши ҳам қонунчилик, ҳам ижроия ҳокимиятлари даражасида Америка—Ўзбекистон муносабатларининг чуқурлашуви давом этаётганини яққол исботлайди.

Ўзбекистон билан мустаҳкам ва узоқ муддатли муносабатлар ўрнатаётган давлатлар орасида Германия етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шунинг учун Берлиндаги Ўзбекистон дипломатик ваколатхонаси биносида ўтказилган ўзбек халқининг асосий байрами тантаналарига ташриф буюрган меҳмонларнинг аксарияти шодидна руҳини тўла ҳис қилганликларидан мамнун бўлиш билан бирга ўз таассуротлари ва истакларини ҳам изҳор этишди.

Улардан бири — «Ост-Вест Контакт»

иқтисодий журнали редактори Ева Бур Ўзбекистон ҳақида ўқиган ва эшитганларини ўз кўзи билан кўриш имкониятига муяссар бўлганини маълум қилди.

— Албатта, Ўзбекистонни зиёрат қилиш учун етарлича вақт бўлмаса-да, сафарим чоғида энг асосий нарсани — мамлакатингизда амалга оширилаётган йўл қурилишлари, қад кўтарайётган янги бинолар, маъмурий иншоотлар ва шу каби йирик лойиҳалар бунёдкорлик ва яратувчанлик руҳини акс эттирмоқда. Бунга эса фақат хотиржамлик ва тинчлик шароитида эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган байрам тантаналарида иштирок этган Туркиянинг собиқ Президенти

дирди.

Ўзбекистон Республикасининг Корейдаги элчихонаси томонидан Сеулнинг «Хилтон» меҳмонхонасида ташкил қилинган расмий қабул маросими тўғрисида мамлакатнинг етакчи Мингйиллик демократик партия раиси Чонг Де Чоль ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Айнан шу тадбир муносабати билан Ўзбекистон ва ўзбек халқининг маданий бойликлари, серҳосил ўзбек заминининг бойликлари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлганини таъкидлади.

Қоҳира шаҳрида кўплаб маҳаллий матбуот вакиллари иштирокида ўтган қабул маросимида Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири А.Махир Ўзбекистоннинг халқроқ доирадаги нуфузига эътиборни қаратар экан, Миср ҳукумати Ўзбекистон билан давлатлараро муносабатлар ривожига катта ишонч билдираётганини ва бу муносабатларни янада яхшилаш учун ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлигини таъкидлади.

Миср Араб Республикасининг «Айн-Шамс» университети ректори Солиҳ Ҳашем тадбирда бу қадар кўп давлат арбоблари ва сиёсат вакилларининг иштирок этгани камдан-кам учрайдиган фавқуллодда воқеа деб таърифлади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги тантаналари муносабати билан кўплаб хоризий давлатлар жамоат арбоблари, давлат ва сиёсат, ишбилармон доира вакиллари томонидан турли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон ўзининг очик ташқи сиёсати натижасида халқроқ доирада мислсиз муваффақиятларни қўлга киритди ва ҳозирги кунда ўз обрў-эътиборига, халқроқ нуфузига эга, республикада олиб борилаётган демократик ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар ва жамият ҳаётининг барча соҳасида амалга оширилаётган эркинлаштириш сиёсати эса энг юксак баҳога муносиб, деган фикр-мулоҳазаларининг ҳар томонлама уйғунлиги эса алоҳида аҳамият касб этади.

Музаффар ЗОХИДОВ,
Иқбол СОЛИЕВ,
«Жаҳон» АА.

**ДОВРУФИ ДОСТОН
ЮРТИМ**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган тантаналар нафақат мамлакатимизда, балки давлатимизнинг хоризждаги ваколатхоналарида ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

С.Демирел юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикр билдираган экан, жумладан шундай деди:

— Утган 12 йил давомида Ўзбекистон бошқа мамлакатлар 30 йилда ҳам амалга оширилмайдиган ишларнинг урдасидан чиқди!

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллик муносабати билан мамлакатимизнинг Москвадаги элчихонасида ўтказилган тадбирда меҳмонлар Ўзбекистон халқи ва Президент Ислам Каримов номига илқ ва самимий тилакларини изҳор этишди.

«Система» акционерлик молия корпорацияси вице-президенти А.Адамишин байрам тантанасидан олган ёрқин таассуротлари билан ўртоқлашди. Хусусан, у давлатимиз раҳбари олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни юксак баҳолади.

Россия стратегик тадқиқотлар институтининг машҳур эксперти А.Куртов Россия Президенти В.Путиннинг Ўзбекистонга қилган сўнги ташрифи ҳақида фикр билдириб, унинг аҳамиятига юксак баҳо берди ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун хизмат қилишига ишонч бил-

• БУНЁДКОРЛИК

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ҚУРИЛМОҚДА


Пойтахтимизда Мустақиллик йилларида қад ростлаган кўркам ва замонавий лицей ва коллежларда келажакимиз эгалари бўлган юзлаб ўғил-қизлар билим чўққиларини ўзлаштириб, касб-хунар сирларини мукамал эгаллашмоқда.

Ана шундай замонавий академик лицейлардан бири Мовароуннаҳр кўчасида қад ростламоқда. 825 ўринга мўлжалланган Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги мазкур академик лицейни келгуси ўқув йилга қуриб битказиш кўзда тутилган бўлиб, айти кунларда қурилишнинг бош пудратчиси — «159 трест» ҳиссадорлик жамиятининг 8-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ана шу мақсад йўлида меҳнат қилишмоқда.

Қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун қазिश, пойдевор

ўрнатиш ишлари пухта бажарилди. Бу борада замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланиб, 3, 4-механизация бошқармаси ишчи-хизматчилари яқиндан ёрдам кўрсатишди. 100 нафардан зиёд турли хунар эгалари бўлган қурувчилар меҳнат қилаётган лицей биносининг 7 та бўлими ўзига хос кўринишга эга бўлиб, улардан ўрин олган спорт заллари, ошхона ва кутубхона ҳам ўқувчилар учун барча қулайликларни ҳисобга олган ҳолда бунёд этилади.


— Ҳозирда шахримиздаги 1, 8, 9-темир-бетон буюмлари заводлари билан ҳамкорликда иш юритаялғимиз, — дейди бошқарма бошлиғи Мурод Мираҳмедов. — Улар бизга қурилиш ашёларини етказиб беришмоқда. Шунингдек 9-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳам бизга камарбаста бўлишмоқда. Бугунги кунда пайвандчи, бетончи ва гишт терувчилар меҳнати қизгин паллага кирган. Мақсадимиз лойиҳа асосида барча ишларни мукамал адо этиб, келгу-




си йилда ўғил-қизларимизга ва уларнинг устозларига ажойиб совғага тайёрлашдир.

Бинодаги қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етган, пардозлаш юмушларини ҳиссадорлик жамиятига қарашли 53-ҳамда 21-қурилиш бошқармалари пардозловчилари олиб боришади. Қилинаётган ишлар самараси эса бино чиройида, келгуси ўқув йилида бу масканда билим олажак билимга чанқоқ ўғил-қизлар шодлигида акс этиши, шубҳасиз.

**Дилноза ФИЁСОВА
СУРАТЛАРДА:** пойдевор қўйиш ишлари тугалланмоқда; Бригада сардори Хикмат Усмонов. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.





Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Эстония Европа Иттифоқига аъзо бўладиган бўлди. Аҳолининг учдан икки қисми ўтказилган референдумда иттифоққа қўшилиш ихтиёри билдирди. Умумхалқ сўровида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 70 фоизи иштирок этди. Овоз беришда қатнашмаган 300 мингдан ошди аҳолини Эстония фуқаролигига эга бўлмаган, рус тилида сўзлашувчи кишилар ташкил этади. Шундай қилиб Эстония Европа Иттифоқига кирган Литвадан кейинги иккинчи Болтиқ бўйи давлати бўлди.

● Ироқ ҳукумати фуқаро бошқаруви бошлиғи Пол Бремернинг айтишича, мамлакатда бир кунда 1,5 миллион баррел нефть қазиб олинмоқда. Унинг ҳисоботида кўра, сотилган нефтдан тушган маблағнинг 95 фоизи «Ироқ ривожланиш фонди»га келиб тушади, қолган 5 фоиз даромад Кувайтга тоvon пули сифатида тўланмоқда. Бу тadbирлар БМТ Хавфсизлик кенгашининг қарори билан амалга оширилмоқда.

● АҚШ маъмурияти Шимолий Корейани Россия технологияси асосида қитъалараро янги баллистик ракета яратибгани ҳақида маълумот тарқатди. Вашингтоннинг таҳлилига кўра, ракета 9,5 минг миль масофага бемалол шикаст етказиши мумкин, яъни АҚШ ҳудудидаги ҳар қандай объектра етиб боради, — деб хабар беради ABC News сайти.

● Бразилияда спиртли ичимликлар рекламаси қаттиқ назоратга олинмайдиган бўлди. Бундай реклама лавҳаларини тасмага туширишда 25 ёшга етмаган актёрларнинг иштирок этиши таъқиқланди. Шунингдек, ёш болалар эътиборини жалб этмаслик учун спиртли ичимликлар рекламаларини тайёрлашда ҳайвонлар ва кўгирчоқлардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

● Варшавадаги Россия элчихонасининг барча ойналари синдирилган, — деб хабар тарқатди NEWSru.Com интернет нашри. Буни Шлен воеводасидаги тўртта йирик коннинг ёпилиши ҳақидаги ҳукумат қароридан норози бўлган кончилар оломони содир этишди. Варшаванинг марказий кўчаларида бўлиб ўтган намойишлар натижасида 40 га яқин полиция ходими яраланган, улардан 8 нафари оғир ахволда. Бундан ташқари, кончиларнинг ҳам 15 нафари ярдор бўлган. Нашрнинг таъкидлашича, кончилар Варшавадан чиқиб кетаётди, яна қайтиб келишларини айтишган.

● Америка Қўшма Штатлари шифокорлари инсон юраги учун ўзига хос «ямок» ўйлаб топди. Бу «ямок» ёрдамида юрак тўлғоғи натижасида шикастланган қон томирларини даволан мумкин. Ясама «организм» инсон тери ҳужайраларидан яратилган. Шу боис ўрнатилган «ямок» инсон бемор юраги инкор этмайди. Шифокорлар бу усул жуда кўп юрак касаллигига чалинган инсон ҳаётини сақлаб қолади, деб умид билдиришмоқда.

Мамлакатимиздаги 102 та мактабда компьютер марказлари барпо этилади. Ушбу мактаблар замонавий ахборот-хисоблаш техникалари ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозланади. Бу ҳақда «Ўзбекистон мактабларига компьютерлар» лойиҳасига раҳбарлик қилган IREXнинг минтақавий ваколатхонасидан маълум қилинди.

ТАЪЛИМ УЧУН КОМПЬЮТЕРЛАР

Ваколатхонадан олинган маълумотга кўра, дастур ғояси 2001 йил ноябрда USAID раҳбарияти ва Ўзбекистон бош вазири ўринбосари Рустам Азимовларнинг мулоқот чоғида тузилган эди.

Лойиҳанинг мақсади, замонавий ахборот технологиялари билан танишиш, компьютер ва интернетда ишлаш, таълимнинг илғор тизимларини татбиқ этиш орқали бошланғич ва ўрта мактабларда ўқитиш даражасини кўтаришдан иборат. Лойиҳани АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) молиялаштирмоқда. Ажратилган маблағларга 1028 та компьютер сотиб олинади.

Бундан ташқари, лойиҳа доирасида улар етказиб берилиб, тақсимланади, техникалардан ўқув юрларида фойдаланиш мониторинги амалга оширилади.

«Отчопар буюм бозори» очик акциядорлик жамияти акциядорларининг 2003 йил 13 январдаги навбатдан ташқари умумий мажлиси қарорига биноан унинг номи «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти деб тасдиқланди ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар 2003 йил 4 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтказилди. Шу муносабат билан мухбиримиз ушбу жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Комил ИСАЕВ билан суҳбатлашди.

— Бозор қайта таъмирлангандан сўнг рўй берган ўзгаришлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2002 йил 10 августдаги 08-10-13 сонли кўчма мажлиси баёни ва «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасининг 2002 йил 21 августдаги фармойишига кўра, 2002 йил 1 сентябрдан қайта куриш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш мақсадида «Отчопар буюм бозори» вақтинча ёпиб қўйилди. Маълум муддат давомида бу ерда курилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди ҳамда сотувчи ва харидорларга зарур шарт-шароитлар яратилиб, замон талабига жавоб берадиган умумий овқатланиш шохобчалари, савдо айвонлари ичида кўшимча равишда юк сақлаш омборхоналари курилиб ишга туширилди. Бундан ташқари савдо жойлари замон талабига жавоб берадиган даражада қайта таъмирланиб, 2003 йил 1 февралдан бозор ўз фаолиятини қайта бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 январдаги 40 сонли қарорига асосан бозор ҳудудига кириш бепул қилинди. Бозоримизда кийим-кечаклар баҳоси бошқа бозорларга нисбатан арзонлиги сабабли мижозлар сони кундан кунга ортиб бормоқда.

— Акциядорлик жамияти акцияларини ҳамма бирдай сотиб олиши мумкинми? Уларнинг номинал баҳоси неча сўм?

— Жамият акциядорларининг 2002 йил 23 сентябрдаги навбатдан ташқари — умумий мажлиси ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2002 йил 30 сентябрдаги 557 сонли қарорларига асосан жамият низоми жамғармаси 2.437.492,0 минг сўмга оширилди, янги низоми жамғармаси 2.861.329,0 минг сўм миқдорига тасдиқланган.

Ҳозирги кунда жамиятнинг очик савдога чиқарилган 1.028.692,0 минг сўмлик номинал қиймати 1000 сўм бўлган акцияларини 1050 сўм миқдорда акциядор бўлиш ва кўшимча даромад топиш манбаига эга бўлмоқчи бўлган барча Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сотиб олишлари мумкин.

— Аввал бозорда ҳамма турдаги буюмлар аралашқуралаш сотиларди. Ҳозирчи?

— Бозор ҳудудида қайта куриш ва таъмирлаш ишлари якунланиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимияти ва юқори ташкилотларнинг кўрсатмасига биноан барча айвонларда буюмлар турларга ажратилган ҳолда алоҳида-алоҳида сотилмоқда.

ЭКСТРИМ ГИЁВАНД МОДДАЛАРГА ҚАРШИ

Тошкентда «Экстрим гиёванд моддаларга қарши» илк ёшлар фестивали ўтказилмоқда. Тадбир «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «Камолот» ёшлар ҳаракати шаҳар бўлими, «Бахтли келажгимиз» хайрия жамияти ва бошқа ташкилотлар томонидан уюштирилмоқда.

Фестиваль пойтахтнинг Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида бўлиб ўтади. Унда барча хоҳловчилар роликлар ва скечларда учинчи бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишади. Давоғларлар махсус йўлларда синаб кўрилиб, танлаб олинди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, фестивалнинг асосий мақсади, чекиш ва гиёвандликка мойилликка соғлом турмуш тарзини қарши қўйиш, шунингдек ёшларни спортнинг экстремал турларига жалб этишдан иборат.

Шунингдек, фестивал доирасида «Ёшлар гиёванд моддаларга қарши» мавзуда плакатлар танловини ўтказиш кўзда тутилмоқда. Иштирокчиларга гиёванд моддалар истеъмолига қарши ғояларни намойиш этиш, спортнинг экстремал турларини оммалаштириш таклиф этилади. Фестиваль якунида голиблар тақдирланади.

«Туркистон-пресс»

— Бозордан савдо нуктаси очмоқчи бўлган хусусий тadbиркор нима қилиши керак? Бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

— «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти ҳудудида савдо жойига эга бўлиш учун Тошкент шаҳрида ўрнатилган тартибда доимий рўйхатдан ўтган фуқаролардан куйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

1. «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти маъмурияти билан тузилган ижара шартномаси.

2. Туман ҳокимиятлари томонидан берилмайдиган тadbиркорлик гувоҳномаси.

3. Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментининг туман бўлими томонидан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома.

4. Тadbиркорлар томонидан олиб келинадиган мол-мулкларнинг божхона ходимлари томонидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида берилмайдиган маълумотнома.

5. Солиқ тўловларини тўлаганлиги тўғрисида квитанция.

6. Ижара ҳақи тўловларини тўлаганлиги тўғрисида маълумот.

7. Тadbиркорлар томонидан рўйхатга олиш дафтари тутиш.

8. Тadbиркорлар томонидан сотилган буюмлар учун харидорларга берилмайдиган чек.

9. Нафақа жамғармасига маблағ тўлаганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

— Ўзбекистоннинг истаган фуқароси савдо жойига эга бўлиши мумкинми?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштириш тўғрисида»ги 2240-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 январдаги 38-ф-сонли ва 16 апрелдаги 178-сонли қарорлари, Тошкент шаҳрига рўйхатдан ўтказиш бўйича махсус комиссиянинг 2002 йил 29 августдаги йиғилиш баёни ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2002 йил 13 сентябрдаги 521-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида бозорлар ҳудудида Тошкент шаҳрида ўрнатилган тартибда доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмаган шахсларга (деҳқон бозорларида ўзи етиштирган маҳсулотлар билан савдо қилаётган шахслар бундан мустасно) савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун савдо жойларини ижарага бериш ёки ишга қабул қилиш таъқиқланади. «Чилонзор буюм бозори» очик акциядорлик жамияти ҳудудида савдо жойига эга бўлишни хоҳловчилар Тошкент шаҳрида ўрнатилган тартибда доимий рўйхатдан ўтган бўлишлари керак.

Суҳбатдош Махмуд ОРИПОВ СУРАТЛАРДА: бозор ҳаётинан лавҳалар акс эттирилган.

Козим Улмасов олган суратлар.



Тадбиркор Собит Маҳкамовнинг дил-дилдан чиққан сўзлар бу. У эсини танибдики, ёшлигидан қалбига мухрланиб қолган шу нақлга амал қилади. Натижада элга танилди, рўзгорига кут-барака кирди. Яъни Собит иймон-этиқоди мустаҳкам, эл-юрт дардида куйиб-ёнувчи фидойиларга эш бўлишга интилди. Бу борада у анчагина ибратли ишлар қилди.

Эллик ёшларга бориб қолган Собит Маҳкамовнинг номи қаерда бўлмасин тилга олинса, таниган ҳам, танимай туриб таърифни эшитган ҳам унинг хурмати юзасидан жилмайиб кўяди. Шу кунларда у тадбиркорлик фаолияти олиб бораётган ерлар яқин-яқинларига Тошкент вилояти, Тошкент тумани тасарруфида бўлиб келганди. «Хасанбой» дея аталувчи мавзе таркибда Тошкент шаҳрининг тумани ҳудудига ўтганга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аслида бу ерларнинг ўзи чорак асргина бурун ҳам ташландик ҳолда ётарди. Ушунда Собит Маҳкамов навқирон йигит эди. Худди кечагидек ёйда: бир неча гектарлик майдонни ташкил этувчи бу ташландик ер чангалор дейиларди. Сабаби, ўйим-чўқуриликлардан, жарликлардан иборат бўлиб, чангалзорга айланиб кетганидан унинг ёнидан наинки болалар, катта ёшдагилар ҳам бемаҳал ўтгани юраги дов бермасди. Собит Маҳкамов шу атрофда истикомат қилгани туфайли жойларни иқир-чиқиринга яхши билди. Ташландик майдон экинзор борага айлантирилариш, дея гап тарқалганда ёши улуг, табаррук қариялар ҳам шубҳаланиб қарашганига ўзи гувоҳ бўлган. Бу ҳақда шундай дейди:

• МАҲАЛЛА ТАДБИРКОРЛАРИ
БАХТИМНИ
МЕҲНАТДАН ТОПДИМ

— Тавба, бу ерларни экинзорга айлантириб бўларканми? Яна хашар йўли билан а-?! — деб елка қисганлари шундоққина кўз олдимида турипти. Очиғини айтсам, даҳамизнинг суяги меҳнатда қотган кексалари айтган бу сўзлар мени ҳам иккилантириб қўйганди. Тўғри, бу ташаббусни бошлаган киши «Хасанбой» қишлоқ кенгаши оқсоқоли Шариф Қозоқбоев (охирати обод бўлсин) ҳалол, беминнат хизматлари билан катта обору қозониб, халқ манфаати йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келаётган ўта маънавиятли инсон эди. «Ақаси, — дедди суҳбатлашиб ўтирганимизда, ўзинг айт-чи, тўйиб оқват емаган ёки мевачевани етарлича истеъмол қилмаган ҳомиладор аёлдан қандай фарзанд туғилди? Албатта, жисмонан ногирон бўладиган соғлом инсон чўқмайди-да. Шунинг учун ҳар бир хонадонда балх туп билан ўрик дарахти ўсиб туришини таъминлашимиз керак!» Буни ҳисобга олган Шариф ака хонадонларга бепул кўчатлар тарқаттириб, ўзи тепасида туриб экирарди. Буйрадек жойни биш қўямасди. Даҳамизда бу инсоннинг табаррук номини доим тилга олиш, хайрли ишларидан сўзлаш одат туғиша кириб қолган. Ҳа, хайрли иш қилганлар номи ўмийда деганлари шу-да. Ташландик ер ўзлаштирилишига аввалдан пухта тайёргарлик бошланган экан. Хашар йўли билан қудратли техникалар иш бошлаб юборди. Бу савоб ишдан четда қолмаслик учун етти ёшдан етмиш ёшгача аҳоли ташландик ерда ҳозир бўлишди. Куз ўрталарида бошланган иш совуқ туғишга охирига қолди. Экин ва кўчатларни экиш баҳорга қолди. Керакли кўчатлар тайёрлаб қўйилган экан. Кўчат экилиши бошланганидан кун байрамга айланиб кетди. Ҳатто жонкуяр аёллар ҳам етиб келишпти. Дехқончасига қийиниб олган оқсоқолимизнинг қувончи чексиз эди. Бир қарасангиз хашарчилар учун биқирлаб ётган дошқознолар тепасида, бир қарасангиз кўчатлар текис экилиши учун режа олаётганлар ёнида пайдо бўлиб қоларди. У бамисоли қанот чиқариб учиб юрарди.

Суҳбатдошимиз бир зум жим бўлиб қолди. Унинг нигоҳи ранг олиб, маза қираётган узум бошларига қадалганди. Токзор шундоққина биз ўтирган ердан бошлариди. Ишқомлардаги узумлар Хасанбойни етти иклимга танитган сархил навлар эди. Маълум бўлишча, оқсоқол бу узум навларининг йўқлиб кетишидан қаттиқ ташвишланар экан. Чўчки ўша кезларда хўжаликлар хўраки узум навларини гўё серхосил ҳисобланган вино навларига алмаштирмоқда эканлар. Юқоридан келган бу «ташаббус»ни эса тўхташиб қоладиган инсон йўқ эди. Оқсоқолимиз бирдан-бир орзуси ташландик ерни ўзлаштириб, яхши узум навларини сақлаб қолиш экан. Ўзлаштирилган ернинг катта бир қисмига эса турли мева кўчатлари экилганди. Қисқа фурсат ичида боғнинг таърифи тарқалиб, улардан нишона олишга турли жойлардан мутахассислар кела бошлашпти. Ҳатто Ўзбекистон ёқда турган Қозғистоннинг олис вилоятларидан ҳам кўчат излаб келишпти. Ўша кезларда Собит Маҳкамов оқсоқолимизнинг ёнида туриб ҳар йили ўн минглаб туп кўчат тайёрланишига камарбасталик қилди. Оқсоқол Собитнинг ишларини экирарди. Чўчки у ёшлигиданоқ дала юмушларида кўзи пишиб, унча-мунча мураккаб ишларни ҳам мустақил бажарарарди. Айниқса, у ҳалол, тўғрисиўз йигитлардан бўлиб, ҳар бир ишга масъулият билан қўл урарди. Шариф ака уни ўзига яқин олар, барпо этган

боғини завол топтирмасдан асраб-авайлашига қаттиқ ишонарди. Баъзан: — Мендан кейин бу боғларни ўзинг парвариш қилсан, Собит. Фақат сенга ишонаман. Биттаям дарахтни қуритиб қўймагин, — деб тайинларди. — Унақа деманг, Шариф ака, — хиҳолат чекиб дедди Собит. — Сиз билан ҳали кўп йил бирга ишлайман, деб қорибман-ку... Сиздан кўп нарса ўрганишим керак. Оқсоқолимиз умри қисқа экан, барвақт оламдан кўз юмди. Аммо у яратган боғ, ҳасанбойликлар учун қуйиб-ёниб амалга оширган ишлар инсонлар қалбига ўчмас из бўлиб қолди. Хозирда хасанбойликлар, бундай кишилар бор экан, олам мунаввар, инсон номи улугнаверар экан дедоқларди. У вафот этгандан буюн унинг чин инсоний хислатларидан ҳикоя қилиб берувчи бири-бирдан мароқли хангомалар кўпайиб бормоқда. — Ишончим қомилки, — деди Собит мўъжаз хровузда да сузиб юрган тилла баллиқа тикилиб қатий оҳангда, — Шариф аканинг табаррук номи умрбоқий бўлиб қолади.

Энди ўрнимиздан кўзалганимизда икки йигит келиб қолди. Улар тадбиркор томонидан ажратилган пул ва озиқ-овқат маҳсулотларини эгаларига тарқатиб келишпти. Рўйхатни Собитга узатишди. У фамилияларга бирма-бир назар ташлаб чиққач, йигитларга миннатдорчилик билдирди: — Баракалла, азаматлар! Ҳаммасини эгаларига топширибсизлар. Бу ишларингдан оқсоқолимизнинг руҳлари ҳам шод бўладиган бўлди. У киши шундай ишларни хуш кўрарди, — деб бизга харибди. — Беруний, Шариф Қозоқбоев номли ҳамда «Гулистон» маҳаллаларидаги боқувчисиз, ночор оилаларга вақти-вақти билан ёрдам бериб тураемиз. Ахир ер элики экан унинг неъматларидан барча баҳраманд бўлиши керак-да. Вақти келганда ишсиз қолганларга хўнаҳарига қараб юмуш топшиларида кўмаклашамиз. Хозирда ўзимизнинг «Шариф Қозоқбоев» номли масъулияти чекланган жамиятимизда ҳам ўндан ортққ доимий ишчи ўрни мавжуд. Келгусида янада кўпайтиришни режа қилиб қўйганмиз. Жамиятимиз даромади ҳисобидан маҳалла ободончилигига, боғча ва мактабларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келамиз. Қабристонни обод қилишга катта миқдорда маблағ ажратилиши қарор қилдик. Янгида юз минг сўм атрофида маблағ сарфлаб маҳалламиз ичкдаги ариқларни тозаладик, айримларини таъмирладик. Ахир ариқчаларда зилул сувлар шарқираб оқиб турганига нима етсин! Лабиди бир зум ўтирсангиз чарқоқлар тарқаб, қўшдек енгил сезасиз ўзингизни.

Биз дала айланганини қовун полиздан бошладик. Бу ерга нави йўқола бошлаган уруғлар ҳамда хорик навлари экилганди. Ҳосилининг чўғидан энг миришкор дехқон парваришлагани ҳам бундан ортққ бўлмаслиги сезилиб турарди. Ҳатто барака қовунларга ҳам дўч келди. Тарвуз полизи ҳам бундан қолишмасди. Полиларнинг четига экилган жўҳори ва кунгабоқарларни кўриб ёқа турарди, киши. Кунгабоқарларнинг ҳар бири мис барқашдек келса, жўҳори сўталари ярим метргача борарди. Ҳаммаёқ ораста: худди қовун-тарвуз хиёбонида юргандек ҳис этдик ўзимизни. Турли-туман сабзавот экинлари ҳам барқ уриб ўсарди. Катта-катта пайкаларда бир қарин бўш жой кўринмасди. Мевали боғларни янгилашаётган экан. Аввал экилган дарахтлар қариб қолгани учун ҳосилдорлиги камайиб кетипти. Янги экилган кўчатлар хатосиз, гуркираб ўсиб ётарди. Улар орасига ҳам турли сабзавот экинлари экилганди. Хуллас, қарёқча назар ташламоғ ҳаммаёқ саришта. Ихлол билан қилинган, катта меҳнат натижаси яққол кўзга ташланади. Шунда киши беийтиёр ўйга толади: ҳар бир ишда ҳалоллик билан қўлга киритилган ютуқларнинг отаси меҳнат экан-да. Ҳалол меҳнат наинки хонадонга кут-барака киритиб, тадбиркорга шон-шўҳрат келтиради, балки Ватанини тўқин-сочин, обод қилиши ҳам шубҳасиз. Сўзимизнинг исботини Юнусобод тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг фаол аъзоси, Ватанимизда жадал олиб борилаётган тадбиркорлар фаолиятига баракали улуш қўлиш орқали Собит Маҳкамов Юнусобод туманидаги «Гулистон» маҳалласига жойлашган Шариф Қозоқбоев номли масъулияти чекланган жамиятда амалга ошираётган ишларда қўришимиз мумкин. Ҳа, у чиндан ҳам эл-юрт учун қуйиб-ёнишда ўз устозининг эътиқодли шогирдидир. Бундай шарафли ишларни эътиқоди мустаҳкам, покиза ниётли кишиларгина амалга оширадилар.

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ.

• ТАДБИРЛАР **ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ЭЛ ТИНЧЛИГИ**

Мамакатимизда эл-юрт тинчлиги, хотиржамлигини таъминлаш, маҳалла ободлиги йўлида катта саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Яқинда Шайхонтохур туманидаги «Қоратош» маҳалла гузариди бўлиб ўтган тадбир ҳам айнан мана шу мақсадни ўзида мужассам этди. Тумандаги маҳаллалар оқсоқоллари, посбон сардорлари, мачитларнинг имом-хатиблари ва маҳалла фаоллари қатнашган ушбу йиғилишда ўсиб келаётган ёш авлоднинг қамоли, мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлаш, ҳаммиса сезгир, хушёр бўлиш лозимлиги ҳақидаги маърузалар бўлди, ўзаро фикр алмашилди.

Туман ҳокимлиги, туман ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди, ҳар бир қатнашчини ҳаммиса хушёр бўлиш, фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, билиб-билмай ноҳўя йўлларга қадам қўйган инсонлар тақдирига бефарҳ бўлмасликка чақирди.

(Ўз мухбиримиз).

Кунни кеча «Маънавият ва маърифат» марказининг Яққасарой туман бўлими, туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича бўлим ҳамда, педагог-тарбиячилар ташаббуси билан «Ўз уйингни ўзинг асра», «Кучли давлатдан кучли жамият сари» мавзуларида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Мухаббат Фозилова ёшлар содир этадиган жиноий, номмақбул ишларнинг барига уларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлай олмастлиги сабабчи эканини айтиб ўтди. Янги оила қураётган ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтиши шартлиги ва бу келажақ авлоднинг со-

ғлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланишини таъкидлади. Тадбирда маҳалла оқсоқоли, педагог-тарбиячиларнинг фикрлари ҳам тинланди. Ёшлар билан боғлиқ бўлган муаммолар, муҳим масалалар ҳақида атрофича суҳбатлашилди.

Юлдуз УСМОН.

ЎЗ УЙИНГНИ
ЎЗИНГ АСРА



• МУЛОҲАЗА **ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК**

Ватан остонадан бошланади, деган ҳикмат мавжуд. Шундай экан маҳаллада яшовчи ҳар бир инсон унинг озодлиги ва обод бўлишига ҳисса қўйиши керак.

2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши маҳаллаларимизни гўзал ва обод қилишга айлантириш билан бир қаторда кексаларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, уларнинг кадр-қимматини жойига қўйишимиз даркор дегани ҳамдир. Қарияларимизнинг бой ҳаётий тажрибаларини, миллий урф-одатларимиз, қадимий анъаналаримизни ўрганиб, ҳаётга татбиқ этишимиз лозим деганидир.


Бир кунни ишдан қайтаётиб ёшгина ўспирин йигитларнинг «ўзаро гал-қошиб қолишгани, ён-атрофдаги ўтган-кетгандан заррача хай-икмай бор овозда бир-бирларини беибор сўзлар билан ҳақоратлашаётганларининг гувоҳи бўлдим. Уларнинг ёнларига жуда яқинлашиб қолганимизда ҳам менга парво қилишмади. «Уят бўлди, ўғилларим, ён-атрофдан отангиз-онангиз тенги кишилар ўғиб турибди» дедим. Нари борса 15-16 ёшли йигитча менга қараб, «Опоки кулоғингизни берктиб ўтиб кетавермайсизми?» дея жавоб қайтарди.

ИБРАТГА ЛОЙИҚ ИШЛАР

Ақмал Иқромов туманида жойлашган «Ўрикзор» маҳалласини эшитмаган одам топилмас керак. Чўчки ҳар томонлама ибратга молик ишлар амалга оширилаётган ушбу сўлим гўшуда турли мавзуларда ўтказилаётган ранг-баранг тадбирлар аҳолини мамун қилмоқда. Улар маҳалла аҳолининг ўз ҳуқуқини таниган, илми-маърифатли, соғлом фикрли инсонлар қаторидан ўрин олишлариغا муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Кунни кеча маҳаллада бўлиб ўтган «Оила маънавияти — келажақ пойдевори» деб номланган бадий-музика анжумани ҳам аҳолини ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш, миллий-маданий қадриятларни янада эъозлаш, фарзандларимизни халқига, юртига муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш каби мақсадларни қўзлаб ўтказилди.

СУРАТЛАРДА: «Ўрикзор» маҳалласида ташкил этилган бадий-музика анжуманидан лавҳалар. Козим Ўлмасов олган суратлар.



СУРАТДА: туман маиший қичқиндилар ташувчи «Махсустрас» 10-автокорхонасининг раҳбари Б.Ҳуломов озодлик танлови ғолиби С.Зияева рағбатлантирувчи эсдалик совғасини топширмоқда. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлаётган инсон ҳам айнан мана шундай хислатларга эга бўлган. Бу ҳақда шундай дейди:

• ИБРАТЛИ МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ
ЯХШИЛИК УЛАШИБ
ЯШАЙДИ

Дунёда шундай эзгу ниятли, одамоҳун, кишиларга фақат яхшилик улашувчи, жамият, элу юрт равнақи учун жон фидо этувчи инсонлар борки, уларга беийтиёр ҳазрати инсон дея баҳо берасиз, ҳурматларини жойига қўйиб, ҳавас қиласиз.

«Огоҳликка даъват» каби мавзуларда тадбирлар ўтказилди. «Обод маҳалла йили» да-дугларининг устозидир. Мактаб-интернатнинг ижодкор ўқитувчилари билан ҳамкорликда дарсликлар тайёрлаб, ўзи мустақил равишда 5-11 синфлар учун она тили, адабиётдан дастур тайёрлади. Мактаб-интернат билан Собир Раҳимов туманидаги «Беруний» маҳалласи ўртасида ўрнатилган яхши алоқаларда ҳам унинг ҳисаси катта. Бу жонкуяр раҳбар узок йиллардан бери Беруний маҳалласининг оқсоқоли. Ушбу маҳалланинг шахри-миздаги энг ибратли, намунали, саранжом-саришта, тинч маҳаллалардан бирига айланганида ҳам маҳалла оқсоқолининг хизматлари катта.

Унинг жонкуяр, қуюнчак, меҳнатқаш, одамоҳун фазилатлари эътиборга олиниб туман «Маҳалла» жамғармасига раис этиб тайинланди. Ҳозирги кунда у туман ҳудудида жойлашган 56 та маҳалланинг ишларини мувофиқлаштириб келмоқда. Маҳалла оқсоқолининг 30 йиллик иш тажрибаси муаммолар ечимиди ўзининг самарасини берди. Ҳукуматимизнинг меъёрий ҳужжатлари, Президентимизнинг Фармон ва

Давлат комиссияси аъзоси этиб тайинланди. Шу кунларда қизгин кетаётган «Тошкент маҳаллалари» ва «Собир Раҳимов тумани маҳаллалари» тарихий манбаасини тайёрлашда ҳам бош-қош бўлмоқда. Тиниб-тинчимас оқсоқол 56 та маҳалла фаоллари орасида анъанавий удумлар, тўй-ҳашамлар, таъзия-маъракалар ҳамда бошқа миллий маросимларни ҳозирги кунда замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам ва тежамкорлик билан ўтказиш, маҳалла аёллари ва ёшларнинг турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш юзасидан давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказишдан асло қарчармайди.

Эл-юрт ўртасида катта хурмат-эҳтиромга эга бўлган С.Обидовни яқинда маҳалладошлари қўнғинчи хушхабар билан қутладилар. «Маҳалла кўни» катта тантана билан ўтказилаётган чоғда жонкуяр раҳбар Саидахмад Обидовнинг «Ибратли маҳалла оқсоқоли» номига муносиб деб топилгани эълон қилинди. Хурсандчилик катта тантананага уланди. Маҳалладошлар меҳнатлари муносиб тақдирланган заҳматқаш оқсоқолнинг фаолиятида янада муваффақиятлар ёр бўлишига тилак билдирдилар.

Биз ҳам камтарин ва жонкуяр бу инсонга фақат яхшиликлар ёр бўлишини, юртим деб, элим деб яшаётган инсонлар сафининг янада ортинини тилаб қоламиз. **Шоира МУҲАМЕДОВА.**

Турфа олат
«СЕХРЛИ» СЎЗЛАР

Роҳиблар камроқ ҳаракатда бўлиши кўпларга маълум. Бу эса ўз ўрнида уларнинг вазини ҳаддан зиёд ошириб юборди.

Керагидан ортиқча вазн хасталик аломати бўлгани сабабли Тибет донишмандлари муайян бўғиндан иборат бўлган, галати формулани ишлаб чиқишди.

Ҳеч ким йўқ хонага кириб, кўзлар юмилди-да, ярим овозда бақирмасдан ушбу «сеҳрли» сўзлар айтади: «Сан-Сиа-Уи-Нах-Пай-Тун-Доу». Айнан мана шу ибора туфайли Тибет роҳиблари ортиқча ёғлардан халос бўлаётган эканлар.

ОЛИМЛАР
АЙТАДИКИ...

Британиянинг метрология институти мутахассисларининг фикрича, Ер юзи йилдан-йилга исиб борапти.

— Сайёрамиз об-ҳавосининг исиб кетиши ҳозирда юзага келиб қолган экологик номуносивлик, хусусан корхона, ҳўжаликлардаги кўмир ва нефть маҳсулотларининг ёнишидан ҳосил бўлган углевод кичиндиси туфайлидир, — дейишмоқда Англия тадқиқотчилари.

КОНИ ФЙДА
ЎСИМЛИК

Нохуш ҳид таралишидан айримлар саримсоқ ейишмайди. Лекин саримсоқ юрак-қон томир хасталигининг олдини олишини ҳамма ҳам билавермас керак. Шунингдек, саримсоқ қон қуйилиб қолиши, инфарктлар сабабчиси бўлмиш тромбозларни баргараф этади, грипп, шамоллаш вирусларини ўлдириб, инсон танасини касалликларга қарши кураша олиш қобилиятини яхшилайди. Саримсоқ сурункали бош оғриғи, кўкрак, жусар раки ривожланишини ҳам сустайтиради.

ТЕЛЕСЕРИАЛ—
КОТИЛЛИК
САБАБЧИСИ

Чехиянинг Глучина шаҳри фуқароси қўшни аёлни тўппончадан отиб ўлдирди.

Қотилнинг тан олишича, қўшнисининг ҳар кун телезордан берилаётган сериалларни жуда баланд овозда қўйиб эшитиши уни жонидан тўйдириб юборган. Гувоҳларнинг айтишича, ушбу фожеага икки қўшни орасида чиққан жанжал сабаб бўлган. Қўшнисининг телевизор овозини пасаитиришни сўраганига жавобан, сериаллар ишқибози, бунинг ҳеч иложи йўқлигини, чунки ошхонадалиги пайтида сеvimли қахрамонларининг овозларини эшита олмаслигини айтган.

ПОЕЗД ТАГИДАН
БУТУН ЧИҚДИ

Исакогорка-Северодвинск йўналиши билан кетаётган тепловоз машинисти рельслар орасида ухлаб ётган кишини жуда кеч пайқади.

Машинист шошилинч тормозни босди. Аммо масофа жуда кичка бўлганлиги сабабли, поезд тўхташга улгурмади. Бутун бошли бир таркиб устидан ўтиб кетсада, маст ҳолатда гафлат уйкусига ботган киши ҳатто кимирлаб ҳам қўймади. Фақат шифохонадагина уни уйғотишга муваффақ бўлишди. Поезд тагида қолганига эса у анча вақтгача ишонгиси келмай юрди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шаҳрим" акцияси доирасида
"Пойтахт-бизнинг нигоҳимизда"
мавзусида энг яхши фотосуратлар
кўрик-танловини эълон қилади.

Фототанлов уч йўналиш бўйича ўтказилади:

Кўҳна Тошкент;
Истиқлол нашидалари;
Миллий қадриятлар;

Хар бир шифтросоғдан 4-тадан
кўп бўлмаган (алоҳида ёки туркуми)
асар қабул қилинади, туркум ҳам
бир асардек қўрилади.

Энг яхши фотосуратлар
қимматбаҳо совғалар ва дингиллар
билан тақдирланади.

Маълумотлар ТТV телеканални, "Пойтахт-информ"
радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент",
газеталарида.

www.fashkantkamolot.uz
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

ҚОВУН БОЗОРИДАГИ ГУРУНГ
(Мутоиба ўрнида)

Бир кун қовун бозорга,
Боргандим дил ёзарга.
Ана текин томоша,
Мана текин томоша.
Ковун, Тарвуз, Ҳандалак,
Кулишган ёзиб палак,
Тўпланган бир нечаси,
Гўё, «Кулги кечаси»!
Бир-бирини юлишар,
Бир-биридан кулишар.
Бодринг кулар Ҳамақдан,
Ошқовоқ Ҳандалакдан.
Қолай демас бир сўздан,
Қовун кулар Тарвуздан,....
Авжига минди гурунг,
Сиз ҳам бир тинглаб кўринг!

ТАРВУЗТЎРА
ДИЙДИЁСИ

Бизни Тарвуз дейдилар,
Мақтаб-мақтаб ейдилар.
Каминангиз керилиб,
Беқасам тўн кийдилар.

Беқасам тўн бичганлар,
Биздан энди кечганлар.
«Аканг дехқон» деб алдаб,
Сотгай қасам ичганлар!

ҚИРҚМА ҚОВУН
«ҲАЗИЛИ»

Қўшним номи Босволди,
Ёғли жойни топволди.

Селитра кемириб,
Кетган роса семириб.
Кузга яқин бу хумбош,

Қўшма корхона бош директори Зоя Алиеванинг таъкидлашича, низоом жамғармасида Ўзбекистон томонининг улуши ишлаб чиқариш майдонлари ва усқуналари, Россия томони улуши эса пул маблағлари, хомашё ва нон пиширади-ган янги технологиялар билан таъминлаш ҳисобланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига келганда айтиш мумкинки, у кунига Россия ғалласидан 3 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Дастлабки пайтларда 4-5 турдаги маҳсулот чиқарилиб, улар асосан қандли диабет, ошқозон-ичак ва юрак қон томир касалликларига чалинган беморлар учун мўлжалланади.

— "Тансиқ нон" очиқ акциядорлик жамияти «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси таркибига киради, — деди ОАЖ бошқаруви раиси Аъзам Тошматов. — Бугунги кунда унинг низоом жамғармаси 15, 6 минг АҚШ долларини ташкил этади, аммо йил охирига

Барча унга қариндош.
Ҳандалик ҳам уруги,
Сероб унда куруғи!

САРИК БОДРИНГ
ХОНИШИ

Мен Бодрингман, Бодринг,
Дерлар: «Бир кулиб беринг»
Куйганимдан куламан,
Ковун кулса куяман.
Саргайибман, сўлибман,
Энди кулиб бўлибман!

ОШҚОВОҚ ВА
ТОМОШАҚОВОҚ
АЙТИШУВИ

— Хом ошқовоқ лақаби,
Бозорком бор бозорда!
— Ковунга қўшни қилди,
Қолдик бизлар озорда...

ХОМСЕМИЗ
ҲАНДАЛАКХОН
ҲИРГОЙИСИ

Ҳандалак деган мендек,
хушрўй бўларми хай-хай,
Ҳар ёнга атрин сочиб,
хушбўй бўлурми хай-хай.
Ичи тушган қовундай,
мазам эмиш совундай,
Харидор ҳам бунчалар,
«хушрўй» бўларми хай-хай!

Полиз экинлари номидан
эркин таржима қилувчи
Тўлан ТАБАССУМ

қадар акцияларнинг иккинчи эмиссияси ҳисобига у камида 50 минг долларга кўпаяди. Янги чиқарилган минг сўмлик акциялар биржа бозорига қўйилади.

А.Тошматовнинг таъкидлашича, "Тансиқ нон" ОАЖда давлатнинг улуши 25

КЕЛАЖАККА УМИД БИЛАН

Пойтахтимизда нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Doka toreks korporatsiya" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси барпо этилди. Қўшма корхонанинг низоом жамғармаси 50 минг АҚШ долларини ташкил этади. "Тансиқ нон" очиқ акциядорлик жамияти ва россиялик хусусий тадбиркор Владимир Ремешко унинг муассислари бўлишди.

фоизни, меҳнат жамоасининг улуши эса 9,2 фоизни ташкил этади. Қолган акциялар хусусийлаштириш инвестиция фондлари орқали сотилган.

Бир пайтлар пойтахт аҳолисининг деярли ярмини нон билан таъминлаган, ҳозирда ҳам йирик корхона бўлган "Тансиқ нон"нинг ишлаб чиқариш қуввати бир кеча-кундузда 50 тонна нон-булка ва макарон маҳсулотларини таш-

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!
ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА
ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришни кенг йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган маърифий тадбирлар янги самара бермоқда. Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи эса шу йўналишда кадрлар тайёрлаш билан бевосита шуғулланмоқда.

Малакали бухгалтер, молиячи, банк, солиқ ва ҳўжалик ҳуқуқи мутахассисларини тайёрлаш борасида бой тажриба орттираётган бу ўқув даргоҳида таълимнинг техник негизини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишга қаратилган режалар ҳам қўйилган натижаларни бermoқда.

Коллежнинг ягона ички локал компьютер тармоғига уланиши ҳам айни муддао бўлди. Бу эса ўқув даргоҳида «Электрон кутубхона»ни ташкил этиш имконини берди.

Бу ерда фанлар бўйича кўплаб маъруза матнлари жамланди. Бу электрон ўқув адабиётларидан бир вақтнинг ўзида 50 га яқин ўқувчи фойдаланиши мумкин.

Ақром ЮНУСОВ.

ЎҚУВЧИ ШЕЪРИ
ҚЎШИҚҚА АЙЛАНДИ

Истиқлолимиз байрамига бағишланган мусиқа асарлари орасида "Томчилар" деган қўшиқ ҳам бор. Бахтли Балиқни мадҳ этувчи бу шеърга бастакор Алишер Икромов куй басталади.

Мазкур қўшиққа Муस्ताқил Ўзбекистон тенгдоши бўлган Зиёда Бекмирзаеванинг шеъри асос қилиб олинди. Мазкур ижод намунаси болаларга бағишланган энг яхши асар сифатида ёш ижрочилар концерт дастурларига киритилди.

— Ёш шоира З.Бекмирзаева Тошкент давлат техника университетини қошидаги академик лицейда ўқийди, — деди адабиёт ўқитувчиси М.Холдорова. — Бир неча шеърлар муаллифи ҳисобланган Зиёданнинг мустақиллик тенгдоши сифатида ёзган "Истиқлолим мучал тўйинг муборак" мавзусида ёзма иши ҳам устозлар эътиборини ўзига тортиди. Ватанга муҳаббат туйғуси ифода қилинган иншо кўрикда юқори баҳоланди.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИҚДА

Инсон ўз умри доvonларини санъатсиз, унинг сеҳрли, сирли жозибасисиз тасаввур этолмайди.

Айни кунларда шаҳримиздаги театрлар бирин-кетин янги мавсумни бошлаб юбордилар.

Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театри яқинда ўзининг 74-мавсумини Сулаймон Юдақовнинг «Майсаранинг иши» операси билан бошлади.

Театр жамоаси яқин кунларда Пуччинининг «Богема» асарини Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда тайёрлаб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этади. Шунингдек, италян бастакори Пьетро Масканынинг «Қишлоқ шаъни» асари премьераси ҳам тез орада сахна юзини кўради. Мазкур театр жамоаси беш йилдан бери Япониянинг «Тойота Сити балет» ширкати билан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Япониядан ташриф буюрган 25 кишилик санъаткорлар жамоаси Минкуснинг «Дон Кихот» асарини намойиш қилдилар.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

кил этади. Аммо ҳозирда бу қувватнинг атиги 20-30 фоизи ишга солинаётир. Бунинг кўпгина сабаблари бор, албатта. 1995 йилда нон заводи қайта ташкил этилгандан сўнг шахарда кўплаб кичик цехлар пайдо бўлди. Улар савдо нуқталарига яқинлиги ва харидорлар талабини тезда илғаб олиш билан ўзига хос устунликларга эга.

Кейинги йилларда завод зарар келтириб ишлаётган эди, деб қайд этди А.Тошматов. Аммо янги бошқарув раиси ишларни аста-секин ўнгламоқда. Жорий йилда товар айланмасини бир миллиард сўмга оширишга имкон берадиган бизнес-режа ишлаб чиқилди. Бу эса корхона йилни фойда билан яқунлайди, демакдир.

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИҚАТ ДОМО БУЛАДИ...

- Ростгүйлик — ҳаёт нафаси, ҳар қандай фазилатларнинг негизи.
- Ҳаёт шахсий манфаатлари ва майилларига берилмаган ҳолда ҳақиқатга бўйсуниб бор ҳалоллик, бор одоблилик мана шундадир.
- Ҳалоллик бу ҳақдор.
- Усиб нафас олиш мумкин эмас.
- Қадимги араб халифаларидан Хорун ар Рашид янги бир сарой бино қилмоқ бўлади. Шу саройнинг ўртасига тўғри бир устун қўйиб керак бўлади. Хорун ар Рашиднинг бўйруғи билан шундай тўғри устунни қидириб-қидириб ниҳоят Бағдод шаҳрига яқин бир қишлоқдан топадилар.

Уни Бағдодга келтирадилар. Хорун ар Рашид ўзининг амалдорлари билан бирга устунни қўриш учун у қўйилган майдонга келди. Томошабинлар орасида доғишманд Бахул доно ҳам бор эди. У майдонда турганлар орасини ёриб чиқиб, устун ёнига келди. Устунга қулғонини тутиб, унга пичирлаб бир сўз айтди.

Халифа унинг қилигидан тажажубланиб, бунинг сабабини сўради. Бахул доно шундай деди:

— Мен устундан: «Сен бир ёғочсан, нега бунча иззат ва ҳурматга лойиқ бўлдинг? Ҳатто халифа ҳам сенга пешвоз чиқиб кўргани келди», деган эдим, устун шундай жавоб берди:

— Мен эгри бўлмадим, тўппа-тўғри ўсдим, тўғрилигим шундай иззат-ҳурмат сабаб бўлди. Эгри бўлсам эдим, ўтин қилиб ёқардилар.

Байт:
**Эгриликдан бўл йирок,
Кил тўғриликин ихтиёр.
Тўғри бўлсанг, эй ўғил,
Бахту саодат сенга ёр.**

- Ун хислатни кўдан бермаслик лозим: тўғрилик, ҳалоллик, инсоф, мулоимлик, қарияларга ҳурмат, кичикларга шафқат, қаноатли бўлиш, вафодорлик, ифбат ва адолат.
- Тўғри нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал ҳулқ, ростгүйлик ва ҳалол меҳнат.

Бир доғишманд шундай деди:

— Сен то қувватинг бор экан, доимо ростгүйлик ва тўғрилик йўлини тут. Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан. Ҳақиқат қара, тўғри бўлгани учун юзи доим гулгун ва кип-қизил. Камон эгри бўлгани учун ип билан боғланиб, банди қилинган.

- Тўғрилик, очик ўзлиқ, ҳалол ризқ топишга киришиш, кучи етгунча оиласини маишатдан танглиқда қолдирмаслик саодатмандлик нишонасидир.

- Юсуф Ҳос Ҳожиб айтди: — Тўғри сўз кўнғилга аччиқ тегади, ҳам қила олсанг, унинг манфаати маза беради. Тўғрилик мақсадга етказилади. Тўғри киши қаерда бўлса ҳам қўнлари бахтиёрлик билан кечади, ёруғ қўнлари қоронғулашмайди. Халққа манфаат етказган одам чин одам ҳисобланади. Уятсиз киши — кишиларнинг тубани бўлиб, унинг тили тўғри сўзни сўзламайди, кишиларнинг сараси, садоқатли кишидир. Одам фаросатли бўлса унутмайдиган, ўйлаб иш юртайдиган бўлади.

Машҳур олимлардан Абу Мансур ас-Саолибий айтди: — Мулоимлик дарахтини эккан киши саломатлик мевасини тиради. Қийналишдан қўриқиб ўрганишини давом эттирмаган киши илмини эгаллай олмайди.

Тошкент шаҳар ҳоқимияти

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

Кўрик-танлов шартлари:

Кўрик-танловда Тошкентдаги корхоналар, ўқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Сизнинг фантазиявий ажаиб гулзорлар, боғлар, майсазорлар, турли манзарали гулдворлар ва бошқа ўзига хос ландшафт ечимлари яратишга қодирми?

Кўрик-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали ўсимликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни ташкилотчиларга 1 октябрдан тақдим этишлари зарур.

Маълумотлар ТТВ телеканали, “Пойтахт-информ” радиостанцияси, “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент” газеталарида.

Фотосуратлар ва видеотасмалар кўришга ҳаққини азозлиқ билан қўйиб, тўққизлик ва голиблар аниқланади.

www.tashkentkamolot.uz

Манзил: Тошкент шаҳри, 700005, Маворуйнаҳр кўчаси, 14

Телефон: 231-05, 133-38-03

Севимли ШАҲРИМ

ТАЪЛИМ

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Тошкент халқаро Вестминстер университетиде янги ўқув йилига катта тайёргарлик қўрилди. Масофавий таълимни йўлга қўйиш билан боғлиқ ибратли тадбирга ҳам олий ўқув юрти бошчилик қилди.

Гап шундаки, Интернет тармоғи орқали амалга оширилган бу видео мулоқот мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтиладиган миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари туркумидаги ўқув фанларини янгига ўқитишга бағишланди.

Бевосита масофавий мулоқот Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари билан юзма-юз ташкил этилди.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари соҳа мутахассислари, амалиётчи ўқитувчилар, дарсликлар муаллифлари масофадан туриб «Ўқувчи ёшлар қалби ва онгиде миллий истиқлол ғояларини шакллантириш» деган мавзу доирасида ҳам ўзаро фикрлашдилар.

Ақбар АЛИЕВ

АНЖУМАНЛАР LG ГРАНТИ ВА ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҒОЯСИ

Маълумки, Кореянинг LG Electronics компанияси электроника ва коммуникациялар соҳасида тан олинган етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда ушбу компания рақамли маҳсулотларнинг охириг авлодини ишлаб чиқариб хариддорларнинг ҳаётини имкон қадар қулай қилиш учун керакли хизматларни кўрсатиб келмоқда. Компаниянинг ривожланиш фалсафаси — «Биз учун энг асосийси «одамлардир» корпоратив шioriга асосланган. Республикада ўз фаолиятини бундан 6 йил олдин бошлаган LG Electronics 1999 йилда Ўзбекистонда фирма сервис марказларининг кенг тармоғини яратди. 2003 йилда

Яқинда «DEDEMAN Silk Road» меҳмонхонасида ушбу дастур юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистондаги LG Electronics компанияси ваколатхонасининг раҳбари К. Джангнинг сўзларига қараганда, ижтимоий дастурларнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат: «LG» компанияси фойдасининг бир қисмини жамиятга қайтариш йўли билан Ўзбекистон халқи жаҳон ҳамжамиятига тенг шерик сифатида киришиш учун ёш авлодини ривожлантириш ва ўқитишга ўз улушини қўйишидир.

Тақдим қилинган ижтимоий дастурлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

маҳсул таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда амалга оширилмоқда. Ижтимоий дастурда белгиланишича, «LG гранти» танлови Тошкент шаҳрининг 10 та етакчи институтлари ва университетлари талаба бакалаврлари ўртасида ўтказилади. Энг яхши талабалар LG Electronics компаниясидан 500.000 сўм миқдориде пул грантини оладилар.

«Йилнинг энг яхши ғояси» танлови эса Тошкент шаҳрининг ўрта умумтаълим мактаблари ҳамда институтлари ва университетлари талабалари ўртасида ўтказилади. Ушбу танлов доирасида, «Дастурий таъминот тизимидан самарали фойдаланиш», «Энергиядан фойдаланиш ва

уни сақлаш», «Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш», «Келажақ маҳсулотидан фойдаланиш», «Мавжуд технологик жараёнлардан самарали фойдаланиш», «Менинг ноёб ғоям» каби энг яхши ғоя йўналишлари белгиланган.

«Йилнинг энг яхши ғояси» танловиде ягона Гран-при мукофоти берилади. Гран-прига сазовор бўлган энг яхши ғоя муаллифи Жанубий Кореяга сафар қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ўзингизнинг энг яхши ғоянгиз билан ушбу танловда иштирок этиб, голибликни қўлга киритишга ҳаракат қилинг, азиз ёшлар!

Озода РАҲМАТОВА.

Халқимиз азал азалдан ўқимшли зиёли инсонларни ҳурмат қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан иш тутган. Шунинг учун юртимизда кейинги ўн йиллар ичида ёшларнинг маънавий баркамол бўлиб вояга етишларига катта эътибор қаратилмоқда. Аммо баъзи ёшлар орасида «мен китоб билан келишмайман», «ўқисам юрагим сиқилади», ёки «ҳаёт ташвишлари билан бўлиб китоб ўқишга вақтим етишмади», «мен тижоратчиман, менга китобнинг алоқаси йўқ» дегувчи ёшлар ҳам тез-тез учраб туради.

Кўп китоб ўқиган одамнинг онги, тафаккури, дунёқараши ўзгача бўлиб, у жамиятда ўз ўрнини, яшашдан мақсадини тўғри англай олади.

Шу билан биргаликда ён-атрофдагиларга ҳам йўл кўрсата олади. Диний нуқтаи назардан ҳам зиёли, Оллоҳга яқин саналади. У Яраттанинг ҳукмини тезроқ ўз юрағида ҳис қилиб, ўзгалар юрағига ҳам зиё нурни орқали сингдиради.

Ривоят қилишларича, бутун дунё хожаси ер юзиде зилзила қилишни фаришталарга буюрибди. Зилзила маркази қилиб тақводор, зиёли инсон остонаси кўрсатилибди. Фаришталар ҳайрон... Аммо амр вожиб: ер юзиде зилзила бўлиб тақводорнинг уйини ер ютиб кетибди. Ҳайрон қоларлиси, тақводор дўзахга ташланибди. Бу не ҳол, фаришталар ҳайрон. Шунда ҳақ Таоло ўз ишига изоҳ қиритибди: «Илмимни ўрганиб, нима тўғри, нима нотўғрилигини билиб, зиё нуримдан баҳраманд бўлиб, уни бандаларимдан сир тутди. Уларни тўғри йўлга бошламади, ёмон нарсаларни қўриб, қўрмасликка олди. Мен берган зиё нурин билан жумлаи жаҳонни ёритмади. Менга бундай тақводорнинг кераги йўқ. Унинг жойи дўзахдадир».

Бу ривоят замирида «Ўқиган билан ўқмоқ лозим», «олим бўлма одам бўл», каби халқимизнинг пурмаъно ҳикматлари ётибди. Ҳақиқатдан кўп ўқимок, дунёни англамоқ, Оллоҳни, инсонни танимоқдир. Ёшларнинг китобдан ўзларини йироқ сақлашлари, бадий адабиётга нисбатан бефарқ қарашлари жами-

ятни таназзулга етаклайди.

Қонун таъкиқ этолмаган нарсаларни, гоҳо маънавий комилликка эришган номус, инсоний тушунча таққиклай олади. Буларнинг туб негизиде илм ёғдуси, китоб тушунасиси муҳимлиги ҳеч кимга сир эмас.

Айни дамларда юртимизда иқтисодий ўзгаришлар бўлаётган бир вақтда баъзи юрдошларимизда пул топишга бўлган иштиёқ кучайиб кетмоқда. Масалан макулатура тижоратини олайлик. Чикиндига чиқарилган қоғозлар орасидан китобларни, китоб бўлганда ҳам, сара, ноёб асарларни унратишимиз мумкин. Замонавий тижоратчиға бунинг алоқаси йўқ. Унга пул тўланса бўлгани.

Машҳур адиб М.Булгаков ўқишга кириш имтиҳонини топшираётган вақтда домласи унд қатор ноёб асарларни номма-ном сўрабди. Ёш адиб ўзининг густоҳлигидан қисиниб, ерга тикилганча фақат боши билан йўқ ишорасини қила бошлабди. Шунда домла унинг елкасига қоқганича: «Олдинда қанчалик хазина ётанглигини билганингда мендан ўзининг бадавлатроқ, бахтлироқ ҳис этардинг», деган экан. Дарҳақиқат, ёшлар олдида жуда катта хазина, бойлик муҳимас. Уни асраб-авайламоқ уларнинг бурчи ва масъулиятидир.

Шахло ҲОШИМОВА.

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЯНГИ НАШРИ

Ахборот технологиялари ривож толаётган бугунги кунда таълим жараёнларини компьютерлашга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Бу эса Интернет — алоқа воқитларидан унумли фойдаланиш учун кенг йўл очиб бермоқда.

Бу борада Тошкент Давлат педагогика университетида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Илмий ахборотларни олишда талабаларга қўлайлик туғдириш йўлида қўрилган тадбир ҳам диққатга сазовордир.

Олий ўқув юртида «Интернет янгиликлари» деб номланган ноширчилик ишларига киришилганлиги ҳам айни муддао бўлди. Интернет тармоғиде ўз бераётган янгиликларга доир материалларни ўз ичига олаётган бу нашр университете ўқувчи ва талабаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Интернет янгиликлари» тўпламининг ўнга яқин сони босмадан чикди. «Таълимда ахборот технологиялари», «Мультимедиа-нашрларидан фойдаланиш моделлари» каби материаллар ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

«Интернет янгиликлари» материалларини танлашда Очқк жағият институти — Сорос жағмармаси ўз ёрдамини бериб келмоқда.

Аҳмад АББОСОВ.

СПОРТ

Танловлар ўтказилади

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спорт тарғиботини халқ орасида янада ошириш, келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг маънаван етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига имкон яратиш мақсадида бундан буюн спортимиз мутасаддилари ташаббуси билан ҳар ойнинг якунларига кўра «Ойнинг энг яхши спортчиси», «Ойнинг энг яхши мураббийси», «Ойнинг энг яхши спорт журналисти» танлови ўтказилган бўлди.

Олтинчи ўрин билан кифояланишди

Италиянинг Милан шаҳрида эшак эшиш бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари ташкиллаштирилди. Шуниси эътиборлики, 160 давлат спортчилари қатнашган ушбу мусобақаларда ўзбекистонликлар ҳам голиблик учун кураш олиб боришди. Аммо, озгинагина тажриба ва маҳорат бобида рақибларига имкониятни бой бериб қўйган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида олтинчи ўрин билан кифояланишди. Айтиш жоизки, ушбу натижа сабаб вакилларимиз кичик ҳисобдаги очколар етмаганлиги боис келгуси йили Афинада ўтадиган ёғи олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди.

Магомед Ибрагимов — жаҳон чемпиони

Грецияда эркин ва юнон-рум курашлари бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилиги баҳслари ҳамюртимиз Магомед Ибрагимовга омад келтирди. Мусобақа якунларига кўра 46 та давлат курашчилари орасида ҳамюртимиз Магомед Ибрагимовга 90 килограмми ваъзда тенг келадиган рақиб топилмади. Шунингдек, ёш юнон-рум курашчиларимиздан Элбек Тожиев 4-ўринни кўлга киритган бўлса, яна бир вакилимиз Сирожиқдин Наврузовга бешинчи ўрин насиб этди. Шуниси қувонарлики, жаҳон чемпионатида иштирок этган 46 та давлат вакилларидан фақат 13 тасигина олтин медаллар насиб этган бўлса, улар орасида юртимиз вакиллари ҳам бор. Мусобақаларда россияликларга 3 та, эронликларга 2 та, Туркия, Ўзбекистон, Грузия спортчиларига биттадан олтин медалъ насиб этди.

(Ўз мухбиримиз).

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг ректорати, жамоаси ва гематология кафедрасининг ходимлари кафедра ассистенти Ж.Миррахимовнинг волидан мухтарамаси, тиббиёт фанлари номзоди **Озода КУРБОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чўқур таъзия изорх этади.

Шарк мумтоз музикаси тарихига бағишланган, бизгача етиб келган асарларни, турли давр муаррихларининг асарларини кўздан кечирганимизда, Борбад Марзавий исмли бастакор ҳақидаги маълумотларга дуч келдик. Қадриятларимиз, ўтмиш меросимизга хурмат қундан-қунга кучайиб бораётганлиги боис, хурматли «Оқшом»хонлар ҳукмига Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Ибн Сино, Рудакий сингари алломалар томонидан эътироф этилган ана шу муסיқа даргаси ҳаётига доир мақолани ҳавола этишни лозим кўрдик.

Гап шундаки, Туронзамин оламида Борбад номи билан машҳур бўлган устод бастакор мелодий 589 йили Марв шаҳрида туғилган. Айрим тарихий манбаларда унинг азим Тошкентда туғилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Унинг тўлиқ исми-шарифи — Борбад Фалахбад Марзавийдир. Агар исмдаги «Бор» — ўзағига аҳамият берадиган бўлсак, у арабча бўлиб, «далолат бериш», «гувоҳлик бериш» маъноларини беради. «Бад» — эса илоҳийлик демакдир. «Марзавий» — унинг тахаллуси, у Марв шаҳрига қиёсан олинган.

XI-XII асрларда Марв бозорларида муסיқа асбоблари билан савдо қиладиган махсус тимлар бўлган. Еш Борбад фавкуллода истеъдоди ва қизиқувчанлиги боис, замонасининг энг нодир муסיқа асбобларида куй-қўшиқ ижро этишни ўрганиб олади. Бўлажак бастакор туркий ва аҷам дўнёсининг кўпгина давлатларини кезиб чиқиб, мадрасаларда таҳсил кўради. Замонасининг илғор, етук фикрли ки-

шилари билан ҳамсўхбат бўлади. Тинимсиз изланиш бадалида янги куй, оҳанглари яратади.

дай деб ёзади: «Борбад Шарк музиқаси тарихидаги ёрқин сиймолардандир. У бу серзасмин халқлари музиқий илми,

• ДУРДОНА

АСРАП СИЛСИЛАСИДА БАРҲАЁТ

Энг муҳими, Борбад Марзавий даҳоси ила яратилган «Усули Борбад», «Таронаи Борбад», «Оханги Борбад» каби куй ва оҳангларда жон олғучи музиқийлик, латифлик, жозибдорлик бор. Шу нуқтага назардан, Борбаднинг муסיқа соҳасидаги ютуқлари ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам қадрланиб келинади. Хусусан, эронлик муסיқашунос Азиз Шавбоний «Эрон музиқаси билан танишиш» китобида шун-

нотаси, созу овозининг асосчисидир...»

Халқ орасида шоир, созанда, бастакор ва ҳофиз сифатида довруғ қозонган Борбад, Эрон шоҳи Хисрав Парвез саройида кўним толган. Аниқроғи, у саройга ҳукмдорнинг махсус фармони билан келтирилган. Шу тариқа Аҷам саройининг не-не гулгун базмлари Борбаднинг тонг насими-дек ёқимли тароналари, сеҳрли куйлари оғушида безана-

ди. Муסיқа соҳасида бир-бирдан қолишмайдиган Некисо Чангий, Тесуй, Наводгар, Озодгар Чангий, Саркаш каби соҳир созли истеъдодлар ҳам Хисрав саройида, Борбад кўл остида улғайишган. Қувонарлиси шундаки, орадан неча асрлар ўтган бўлса-да, Борбад яратган куй, қўшиқларнинг деярли барчаси бизгача етиб келган. Музиқашунос мутахассисларнинг эътирофи этишича, Борбад ҳатто ўз номи билан аталадиган муסיқа асбобиға ҳам асос солган экан.

«Чалма муғанний созингни, чалганнинг йиғлатмаса», дейилади миллий қўшиқларимизнинг бирида. Дарҳақиқат, куй-қўшиқ сеҳри инсон қалбини чинакам забт этгандагина мўъжиза яралади. Унинг кўз илғамас қудрати ана шунда намоён бўлади. Борбад ижодининг асосий қисмини ташкил этадиган «Гулзор», «Сабази баҳор», «Полизбон» сингари оҳанрабо тароналарда инсоний муҳаббат, ноботот олами, умуман, мулки борлиқ ва илоҳий оламни боғлаб турадиган азали мутаносиблик, музиқий робита мавжуд. Шу боис ҳам улар асрлар силсиласида, барҳаёт яшаб келмоқда.

Хидирали ПАНЖИЕВ

• ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Ҳақим анчадан бери Сарвар билан дўст. Мактаб чоғларидаёқ яқин бўлиб кетишган, ҳозир эса на бир туғилган кун, на бир ўтириш Сарварсиз ўтмайди. Чунки унинг оиласи йўқ. Ҳақим дўстим ўксимасан деб, ҳар замонда пул ҳам бериб туради.

Бундан Сарварнинг боши осмонда, кейинги пайтларда эса дўстининг пул бериши одатий тусга айланиб қолганди. Нима учундир оҳирги бир ой ичиде Ҳақимнинг иши орқага кета бошлади. Табиийки дўстига пул ҳам бера олмади. Бу холдан жаҳли чиққан Сарвар дўстини ёмон кўра бошлади. Орадан бир неча ойлр бир-бирини қувлашиб, ўтиб кетди. Ҳақимнинг ишлари аввалгидек юриша бошлади ва у дўстини қақриб, катта зиёфат берди. Буни кўрган Сарварнинг гаши келди...

Бир куни Ҳақимнинг уйида ўтириб чойхўрлик қилишгаётганда кимдир ташриф буюрди ва Ҳақим дўстини бир озгина ёлғиз қўйишини айтиб, узрини сўраб чиқиб кетди. Фарз ниятли Сарвар дўстининг чиқиб кетганлигидан фойдаланиб, столнинг устида турган 180.000 сўмлик «Нокия» уяли алоқа телефони ва 72.000 сўм пуллари ни ўғирлаб чиқиб кетди. Ҳақим уйга қайтиб кирса,

аҳвол бундай... У ўғирланган нарсаларидан эмас, кўпроқ дўстининг хиёнатидан аччиқланди. Ҳақим бу воқеани милиция ходимларига айтмоқликни истамади, бироқ индамай кетаверса, «дўсти» бундан ҳам баттароқ ишлар қилиб юбориши мумкинлигини ўйлаб ноилож «02» га кўнғирок қилди.

«Файратлининг оғзи мой, файратсизнинг холи вой», деб бобокалонларимиз бежиз айтишмаган экан. Юнусобод даҳаси, 11-мавзеда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Сарвар ўз қилмишига яраша жазосини олди. Ўз дўстининг тузини еб, тузлуғига тулпурган одамдан бундан ҳам ёмонроқ ишлар куттиш мумкин. Шунинг учун ҳар доим оловни аланга олмасдан туриб учирган афзалроқдир.

Феруза УМРЗОҚОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот
маркази жамоатчи
мухбири.

Табассум

Миршаб кўлга тушган ўғри билан гаплашиб, кўлга олинган ашёвий далилларни кўздан кечирар экан, сўради:

- Ёшингиз бир ерга бориб қолибди, болаларингиз ҳам бор экан. Наҳотки ўғирликка тушганингизда ўшаларни ўйламадингиз?
- Уйладим, лекин уларга тўғри келадиган ҳеч нарса йўқ экан-да.

Икки дугона учрашиб қолдилар.

- Улар бўлсам ўлиб бўлдим бу ароқхўр эримнинг дастидан, — дея ҳасрат қилди бири иккинчисига. — Пул топди дегунча ичади, на болаларни, на мени ўйлади.
- Меники ҳам худди шунақа эди, ўртокжон. Бир куни ўтказиб олиб: «Ё мени денг ёки ўша савил қолгур ароқни» дея масалани кўндаланг қўйдим. Шундагина кутилдим мен сенга айтсам.
- Ичмай қўйдими-а?
- Билмайман, лекин шу гапимдан кейин уйдан чиқиб кетди. Мана бир йил бўляпти, қорасини кўрсатмайди.

- Алло, Феруза ўзингизмисиз, жуда ёмон эшитилляпти, мен охири сизсиз яшолмаслигимни тушуниб етдим, менга турмушга чикинг, эртагаёқ совчларинг юбораман.
- Менга ҳам ёмон эшитилляпти, ўзингиз биласиз нима дейишга ҳайронман, Алишер ака.
- Мен Алишер эмасман, эшитилляпти Феруза?
- Кечирасиз адашибман, шу телефонлар жуда ёмон ишлайди-да. Бахтиёр ака, сизмидингиз, розиман, жўнатаверинг!
- Феруза, мен ахир Равшанман, Равшан, танидингизми?
- Вой аввалроқ ўйтмайсизми Равшан ака, розиман, розиман!



— Сенга ҳам машина олиб берайми ўғлим?
— Унда эҳтиёт қисмларни қаердан оламан дада?
Абдураул Ҳақимов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70,
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақими — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4204 нусxada босилди. Қўроғ бичими А-3

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатта олинган

Нашрирн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.